O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 24 май чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 98 (2395)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Она-юрт бўйлаб...

*Эътироф*

### БОБУРИЙЛАР ТАРИХИ ДУНЁ НИГОҲИДА

Самарқандда "Бобур ва бобурийларнинг жаҳон цивилизациясини ривожлантиришдаги ўрни" мавзусида халқаро илмий конференция бошланди. Самарқанд, Андижон, Наманган давлат университетлари жамоалари ташаббуси билан ўтказилаётган нуфузли анжуманда Ҳиндистон, Миср, АҚШ, Япония, Афғонистон ҳамда мамлакатимизнинг турли илм даргоҳларидан келган бобурийшунос олимлар ўзларининг энг сўнгги тадқиқотлари, қизиқарли маърузалари билан иштирок этмоқда.

Анжуман уч кун давом этади.

*Хушхабар*

### ПИЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

Бухоро вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 2000 тоннага яқин пилла топшириб, бу борадаги шартнома режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажардилар.

Эрта баҳорда 35 минг 500 пиллачилик звеносига 46 минг 530 қути ипак қурти парваришлаш учун топширилди. Агробиология қоидалари асосида парваришланган уруғликдан юқори ҳосил олинди.

Бухоролик пиллакорлар имкониятларини чамалаб, ялпи ҳосилни 2500 тоннага етказишга аҳд қилди.

*Ҳосил — 2000*

### ҒАЛЛАГА ЎРОҚ ТУШДИ

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Ўртачўл массивида жойлашган Ал-Бухорий ҳамда Худоёр Сулаймонов номидаги ширкат хўжаликларида ғалла ўрими бошланди. Дастлабки куни ўнга яқин комбайн ёрдамида 100 гектардан зиёд майдоннинг ғалласи ўриб-йиғиб олинди. Мутахассисларнинг фикрича, ҳосилнинг чўғи баланд. Бу йил чўл зонасида ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтарилмоқда.

*Маънавият*

### "МОМОГУЛ" ГЕРМАНИЯГА БОРАДИ

Қарши туманидаги "Момогул" фольклор-этнографик ансамблининг концерт дастурлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам мухлислар қалбини ром этмоқда. Куни кеча мазкур ижодий жамоа Германияда ўтказиладиган халқаро "ЭКСПО-2000" кўригида иштирок этиш учун таклифнома олди. Гап шундаки, "Момогул" ўтган йили хорижга қилган сафарида германиялик санъат ихлосмандлари меҳрини қозонган эди.

*Хордиқ*

### ОРОМГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ

Қорақалпоғистоннинг энг хушманзара гўшаси – Оқчакўл соҳилидаги "Орол болалари" оромгоҳи янги мавсумда 1600 кичкинтойни ўз бағрига олади. Бу ерда болаларнинг кўнгилли дам олиши учун барча шароит муҳайё қилинган.

"Соғлом авлод йили"да Қорақалпоғистон Республикасида 32 та оромгоҳда қарийб 11 минг нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради. Айни вақтда 2,5 минг нафар бола Тошкент вилоятининг гўзал дам олиш масканларида саломатлигини тиклайди. Харажатлар асосан касаба уюшмалари ва ҳомий ташкилотлар ҳисобидан қопланади.

*Эътибор*

### ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИГА САРМОЯ

Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Нукус, Наманган ва Олмалиқ шаҳарларида жамоат транспортини ривожлантириш лойиҳаси учун ажратилган 29 миллион доллар миқдоридаги қарз маблағи Жаҳон банки томонидан маъқулланди. Ўзбекистон ҳукуматининг ҳам ҳиссасини (2,45 миллион доллар) қўшиб ҳисоблаганда, лойиҳанинг умумий қиймати 31,45 миллион долларни ташкил этади. Қарз маблағи беш йиллик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга ажратилган.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**



Ипак қурти парваришини «элга келган тўй», дейишади кексалар. Кимнинг қандай касб эгаси бўлишидан қатъий назар, бу масъулиятли мавсумда маълум маънода иштироки сезилади. Учкўприклик муаллима Манзурахон Каримова ҳам ана шу анъанага содиқлардан. У кўп йиллардан бери ипак қурти боқиб келади. Ҳар йили режасини зиёди билан уддалайди. Шунинг учун уни моҳир педагоггина эмас, балки уста пиллакор сифатида ҳам эъзозлашади.

Манзурахон бу йил бир қути ипак қурти боқиб, режадаги 50 килограмм ўрнига 100 килограмм пилла етиштиришга аҳд қилган эди. Яқинда етиштирилган ҳосил тарозига қўйилганида, унинг аҳдига вафо қилганлигига «Учкўприк» ширкат хўжалиги меҳнат аҳли гувоҳ бўлди. Шундай илғорларга таянган хўжалик мутасаддилари 400 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 50 килограмм ўрнига, ўртача 70 килограммдан хирмон кўтаражакларини изҳор этмоқдалар.

**СУРАТДА: моҳир пиллакор, физика фани муаллимаси Манзурахон Каримова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси олдидан

# ПАРЛАМЕНТ XXI АСР БЎСАҒАСИДА

**Б.Бугров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари**

Президентимиз И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" деб номланган ҳамда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузаларида олға сурилган мамлакатимизни янги аср бўсағасида ва келгуси юз йиллик бошларида ривожлантиришнинг стратегик дастури бугунги кунда изчил рўёбга чиқарилмоқда. Унинг муваффақиятли татбиқ этилиши кўп жиҳатдан мамлакат қонун чиқарувчи олий органи – парламентнинг Конституцияда ўзига берилган ваколатлар доирасидаги фаолиятига боғлиқ бўлади.

Ўтган йил декабр ойида кўп партиялилик, муқобиллик асосида бўлиб ўтган эркин, демократик сайловлар натижасида тузилган иккинчи чақириқ Олий Мажлис олдида мамлакатимизни ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги босқичига олиб чиқишнинг ишончли ҳуқуқий базасини яратиш билан боғлиқ фавқулодда мураккаб вазифалар турибди. Маълумки, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини қуриш, аввало, яхши қонунлар мавжуд бўлишини ва уларга оғишмай риоя этилишини тақозо этади. Шу сабабли ҳам депутатлар мамлакатимиздаги ҳуқуқий имконият майдони янги асрда янада кенг ва қулай бўлиши учун бор кучларини сафарбар этмоқдалар.

Агар иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессияси бутунлай ташкилий масалаларни ҳал этишга бағишланган ва унда парламент раҳбарияти сайланган ҳамда қўмиталар ва комиссиялар шакллантирилган бўлса, 25 май куни очиладиган иккинчи сессия мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларни ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ вазифаларини ҳал этади. Шуниси қувончлики, депутатлар ишни истиқболга мўлжалланган кўп қиррали ўз фаолиятларининг дастурини кўриб чиқишдан бошлайдилар. Сессиянинг дастлабки кун тартибида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тўғрисида"ги ҳужжатни муҳокама қилиш биринчи масала бўлиб турибди.

Халқ депутатлари парламентнинг XXI аср арафасидаги ва унинг бошларидаги асосий устуворликлари, мақсад ва вазифаларини белгилаб олишлари, биринчи навбатда қайси қонунларни қабул қилиш, янги шароитда қайсиларини ўзгартириш ва қайсиларига қўшимчалар киритиш масалаларини ҳал этишлари керак бўлади. Қонун ижодкорлиги иккинчи чақириқ парламенти ишининг асосий йўналиши бўлса-да, лекин бу унинг фаолиятининг ягона йўли эмас. Аввалгидек қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил этиш масалаларига катта эътибор қаратилади. Депутатлар корпусининг куч-ғайратлари, шунингдек, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни яхшилашга, мамлакат қонун чиқарувчи олий органининг ваколатига кирувчи бошқа вазифаларни ҳал этишга қаратилади.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг устуворликлари парламентнинг яқин йилларга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишларигина, холос. Ҳар қандай истиқбол дастурида бўлгани каби унда ҳал этилиши керак бўлган барча масалалар батафсил баён қилинмаган ва бундай қилиниши мумкин ҳам эмас. Ҳаётнинг ўзи уни тўлдиради ва бойитади, унга янги, аниқ мазмун бахш этади.

Газетхонларда нима учун ҳужжат 2000-2002 йилларгагина мўлжалланган, нима учун Олий Мажлис депутатларининг бутун ваколатлари муддатига эмас, деган савол туғилиши мумкин. Ҳаётимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларини янада эркинлаштириш юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар мунтазам тузатишлар киритиб боришни талаб қиладиган ўта мураккаб жараёндир. Биз истиқболга инқилобий сакрашлар билан эмас, балки босқичма-босқич, қадамбақадам, ўз хоҳиш-иродамизни ҳаёт воқеликлари билан мувофиқлаштириб йўл очмоқдамиз. Худди шу боисдан бундан ҳам узоқроқ даврга мўлжалланган режани тузишни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобладик.

Бугунги кунда асосий ислоҳотчи сифатида давлатнинг роли Президентимиз И.А.Каримовнинг, парламент ҳамда ҳукуматнинг фаолиятида аниқ намоён бўлмоқда. Қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари умуман олганда, мустақил Ўзбекистон Республикасининг демократия ва бозор ислоҳотлари йўлидан олға бориши учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитни яратмоқда. Мамлакатимизда мустақил ривожланиш йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар учун анча кенг ва мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилган бўлса ҳам қонун ижодкорлари ҳали жуда кўп иш қилишлари керак бўлади.

(Давоми 2-бетда).

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИ ВА КОМИССИЯЛАРИДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси А. Аҳадов олиб борди. Дастлаб Олий Мажлис иккинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишда, шунингдек, қўмитанинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ҳамда 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (янги таҳрирда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунига айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хусусидаги, Ўзбекистон Республикасининг Халқаро молиявий ижара (лизинг) тўғрисидаги Хусусий ҳуқуқни бирхиллаштириш бўйича БМТ халқаро институтининг (UNIDROIT) конвенциясига қўшилиши ҳақидаги масалалар юзасидан қўмита аъзолари ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Сўзга чиққанлар сессия кун тартибига киритилган масалалар бугунги кунда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Мажлисда сессия кун тартиби бир овоздан маъқулланди ва тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси Н.Исмоилов бошқарган бу мажлисда сессия кун тартибига киритилган масалалар қараб чиқилиб, маъқулланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Қўмита аъзолари сессияга тақдим этилаётган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти»га ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги Низом»га ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масала юзасидан ўзаро фикрлашдилар.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судларининг таркибига ўзгартиш киритиш ва бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Олий Мажлис Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталарининг ҳам қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М. Умаралиев бошқарди. Унда Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси кун тартиби тўғрисида, ҳар икки қўмита томонидан сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ҳамда халқаро конвенция, битим, шартномаларга қўшилиш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Қўмиталар аъзолари ушбу масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Айниқса, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида» (янги таҳрирда)ги каби қонун лойиҳалари юзасидан қизғин фикр алмашувлар бўлди. Қўмиталар аъзолари қатор ҳужжатлар қаторида мазкур қонунларнинг қабул қилиниши мустақил республикамиз учун муҳим ва долзарб эканлигини алоҳида таъкидлаб, уларни Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясига муҳокама учун тавсия қилдилар.

Қўмиталарнинг қўшма йиғилишида бўлажак сессия кун тартиби бир овоздан маъқулланиб, кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси И.Кочмарик олиб борди.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг Ҳаво Кодекси, шунингдек, «Алоқа тўғрисида», «Стандартлаш тўғрисида», «Метрология тўғрисида»ги қонунларга тегишли қисмлари кўриб чиқилди. Бу ҳақда Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат нозирлиги бошлиғининг ўринбосари А.Эрназаровнинг ахбороти тингланди. Шундан сўнг қўмита аъзолари мазкур лойиҳаларни муҳокама қилишиб, уни сессия муҳокамасига тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Қўмита мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, сотиб олиш ва ижарага топширишнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги қарори ҳақида ҳам фикр юритилди.

Йиғилиш сўнгида қўмитанинг 2000-2002 йилларга мўлжалланган иш режалари ҳам кўриб чиқилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси О.Мусурмонова бошқарди.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар тўғрисидаги ҳамда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги масалалар кўриб чиқилди. Ушбу масалалар бўйича қўмита аъзолари томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Муҳокамалардан сўнг сессия кун тартибига киритилаётган барча масалалар маъқулланди. Қўмита котиби Ш.Умарова «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга киритилиши кўзда тутилаётган ўзгартишлар тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда муҳокама қилинган барча масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

# ГАЗЕТА ГАЗЕТХОН УЧУН

*Бизнинг анкета*

**«Халқ сўзи» муштарийларига**

Муҳтарам газетхон!

Мана, 2000 йилнинг бешинчи ойи ҳам ярмидан ошди. Ўтаётган ҳар бир кун бизни Ватанимиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги тантаналарига яқинлаштиради. Халқимиз бу кунни энг улуғ, энг азиз айём деб эъзозлайди. Албатта, биз истиқлолни улуғлар эканмиз, бир кунлик байрам билан чекланиб қолмаймиз. Мустақиллик берган неъмат ҳар кун, ҳар дақиқа ҳис этилгандагина ўз баҳосини олади.

Шундай экан, «Халқ сўзи» газетаси ҳам мамлакатимизда чоп этилаётган кундалик нашр сифатида мустақиллик берган имкониятларни кўрсатиб боришни ўзининг энг биринчи бурчи деб ҳисоблайди.

Сизларга шуни маълум қилмоқчимизки, **10 майдан бошлаб** барча оммавий ахборот воситалари қатори **«Халқ сўзи» газетасига иккинчи ярим йиллик учун обуна бошланди.** 2000 йилнинг 1 майидан бошлаб босма нашрларни республика аҳолисига ўз вақтида етказиш, уларни етказиб беришни жадаллаштириш ва таннархини пасайтириш мақсадида қабул қилинган ҳукумат қароридан хабардорсиз, албатта. Халқнинг маънавий оламини бойитиш, одамларда Ватан туйғусини барқарорлаштириш истиқлол шиорига айланган бир шароитда шундай ғамхўрлик кўрсатилиши мислсиз воқеа бўлди.

Биз иккинчи ярим йилликка обуна арафасида «Халқ сўзи» газетхонларига бир неча саволлар билан мурожаат қилмоқчимиз. Уларга имкон қадар муфассал, ошкора жавоб йўлласангиз, газетамизнинг кейинги сонларини янада мазмундор қилиб тайёрлашга ҳисса қўшган бўлардингиз.

***1. «Халқ сўзи» газетаси саҳифаларида 2000 йил мобайнида қайси мавзуларни ўқишни кутган эдингиз, амалда қандай бўлди?***

***2. Сиз иккинчи ярим йилликда қайси мавзу, йўналиш ва рукнларда материаллар ўқишни истардингиз? Умуман, газетани халққа янада манзур қилишимиз учун қандай амалий таклифларингиз бор?***

***3. Мустақиллик сизнинг тақдирингизга қандай ўзгаришлар киритди? Мумкин бўлса, ҳаётий мисоллар орқали баён этсангиз.***

Юқоридаги саволларга берилган барча жавоблар таҳририят томонидан синчиклаб ўрганилади, энг эътиборли фикрлар «Халқ сўзи» саҳифаларида бериб борилади. Энг муҳими, ҳар бир газетхон ихтиёрида газетанинг келгуси мундарижасига ҳисса қўшиш имконияти бор.

Хатларингизни кутамиз!

**Манзилимиз: Тошкент, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Халқ сўзи» газетаси таҳририяти, «Бизнинг анкета»га деб ёзинг.**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси эртага, 25 май куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 24 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва эртага 25 май куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган Олий Мажлис депутатлари диққатига

Бугун, 24 май куни Олий Мажлисда соат 12.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши ўтказилади, соат 13.00 да — «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг, соат 14.30 да эса — ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтади.

## ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИДА

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси кун тартиби муҳокамасига киритилган масалалар бўйича фракция раиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши котиби И. Кочмарик сўзга чиқди. Фракция аъзолари бўлажак сессия муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, бир овоздан маъқулладилар.

Фракция йиғлишида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Шу куни «Миллий тикланиш» демократик партияси депутатлар фракциясининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари И.Ғофуров бошқарди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тўғрисидаги лойиҳа, Олий Мажлис иккинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган масалалар, Олий Мажлиснинг биринчи ва иккинчи сессиялари оралиғидаги муддатда фракциянинг фаолияти хусусидаги масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда фракциянинг 2000 йилдаги вазифалари муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари кўриб чиқилган масалалар юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини айтишди. Сессия ишида фракция аъзоларининг фаол иштирок этишига умид билдирилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси олдидан

# ПАРЛАМЕНТ XXI АСР БЎСАҒАСИДА

(Давоми.Боши 1-бетда).

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари қонунчилик ва назорат фаолиятининг 2000-2002 йилларга мўлжалланган устуворликларида жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳаларида чуқурлашиб бораётган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш масалалари катта ўрин тутади.

**Сиёсий соҳада** миллий қонунчилигимиз демократик институтлар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг фаоллигини ошириш ва уларни жамиятни ислоҳ қилишга кенгроқ жалб этиш учун зарур шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш йўлидан ривожланади. Бунда гап аввало ҳокимиятни чинакам халқчил қилиш учун марказий давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини маҳаллий, жамоат тузилмаларига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида бормоқда. Шунингдек, ҳокимият тармоқлари бўлинишининг конституциявий тамойилини ҳуқуқий таъминлаш, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг назорат функцияларини кучайтириш ва жойлардаги ишларнинг аҳволи учун жавобгарлигини ошириш муаммоси долзарб бўлиб турибди.

Яқинда Олий Мажлис томонидан ўтказилган ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг ролини оширишга бағишланган республика семинар-кенгаши бу йўналишда ҳали талай ишлар қилиш кераклигини кўрсатди. Хусусан, ҳали жойларда қонунларга, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларига оғишмай риоя этишни таъминлаш борасида ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро назорат қилиш механизми ҳамиша ҳам аниқ ишлаётгани йўқ. Давлатимиз бошлиғи И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида таъкидлаганларидек, "Бу ерда гап мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, аввало, Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритадиган, ҳеч қандай мансабдорлар, ҳатто энг кўзга кўринган вазифада ўтирган шахсларнинг ҳам субъектив хоҳиш-истагига қарам бўлмасдан, ишни барқарор ва фаол ташкил қиладиган, ўз моҳиятига кўра жамиятимизнинг олға силжишига халақит-ғов бўлиб турган барча иллат ва эски асоратларни бартараф этишга қурби етадиган самарали тизимни вужудга келтириш ҳақида бормоқда".

**Иқтисодий соҳада** иккинчи чақириқ Олий Мажлиси хўжалик юритувчи субъектларга кўпроқ эркинлик ва мустақиллик бериш, давлатнинг назорат қилиш ва тартибга солиш вазифаларини қисқартириш, унинг мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириши керак бўлади. Шунингдек мамлакатимизга чет эл сармоясини кўпроқ жалб этиш, чет эллик инвесторларнинг хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнларида фаол иштирок этишлари учун қўшимча ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш муҳимдир.

**Маънавий соҳада** олдимизда эркин фикрловчи ва ҳар томонлама етук кишиларни тарбиялаш, қадимий ўзбек халқининг тарихи, маданияти, анъаналарини тиклашга қаратилган сиёсат қонуний жиҳатдан анча пишиқ-пухта бўлишига эришиш вазифаси турибди. Шу билан бирга Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг маънавияти ва маданиятини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашмоқ зарур. Жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва барқарорликни сақлаш, уни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Аҳолини, биринчи навбатда, кексалар, хотин-қизлар, болалар, ногиронларни, аҳолининг бошқа ижтимоий жиҳатдан ночор қатламларини ҳимоя қилишни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам Олий Мажлис депутатларининг доимий эътиборида бўлади. Маълумки, халқ давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига — турмуш даражасини оширишга, ишлаш, ўқиш, даволаниш, дам олиш учун нормал шароитлар яратилишига қараб баҳо беради.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари қонунчилик ва назорат фаолиятининг 2000-2002 йилларга мўлжалланган устуворликлари вазминлик билан узоқ вақт давомида пишиқ-пухта қилиб тайёрланди. Мазкур ҳужжатнинг дастлабки вариантини депутатлар шу чақириқнинг биринчи сессиясидаёқ олган эдилар. Сўнгра у тушган таклифлар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб такомилига етказилди. Уни Олий Мажлис Кенгашида икки марта кўриб чиқдик. Бугун дадил айтиш мумкинки, парламентимиз фаолиятининг истиқбол дастури депутатлар катта жамоаси қизғин меҳнати ва ижодий изланишининг натижаси бўлди. Унинг қабул қилиниши, шубҳасиз, XXI аср бўсағасида парламент фаолиятининг муҳим босқичи бўлади.

Олий Мажлис бўлғуси сессиясининг дастлабки кун тартибида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 1999 йилги ва жорий йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги масала энг жиддий масалалардан бири ҳисобланади. Давлат бюджети ўтган йили йирик миқёсли ижтимоий вазифаларни ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларини, шунингдек, давлат дастурлари ва миллий дастурларни молиялаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда ижро этилди. Ўтган йил мобайнида иш ҳақи, нафақалар миқдорларини оширишга, мамлакатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қўшимча қарорлар қабул қилинди. Бюджет тақчиллиги илгари Олий Мажлис тасдиқлаган кўрсаткичлардан ошгани йўқ.

Мазкур масала Олий Мажлис Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган Мажлисида олдиндан кўриб чиқилиб, Кенгаш давлат бюджетининг ўтган йилги ва шу йилнинг биринчи чорагидаги шакллантирилиши ва ижро этилиши асосий тамойилларини маъқуллади. Уни бўлғуси сессияда муҳокама қилиш парламентнинг ҳукумат фаолияти устидан доимий назоратининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлади.

Олий Мажлис депутатлари муҳокамасига киритилаётган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасида ҳам қонун ҳужжатларида тасдиқланган ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган нормалар жорий этилмоқда. Қонун лойиҳасида тадбиркорлик фаолияти субъектларига уларнинг барча ресурслардан тенг ҳуқуқли фойдалана олишлари, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича кафолатлар назарда тутилмоқда. Ҳужжатда тадбиркорлик фаолияти субъектларига анча аниқ таъриф берилган, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини якка тадбиркорлар тоифасига киритиш йўли билан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари тушунчаси аниқлаштирилган, якка тадбиркорларнинг биргаликдаги фаолияти турлари аниқроқ белгилаб қўйилган.

"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳукумат ва лицензияловчи органларнинг лицензиялаш масалаларидаги ваколатларини аниқлайди, лицензияланадиган фаолият турларини аниқлашнинг мезонларини белгилайди, шунингдек, лицензиялашни амалга ошириш (лицензияларни бериш, қайта расмийлаштириш, тўхтатиб туриш, уларнинг амал қилишини тугатиш ва уларни бекор қилиш) ҳамда лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишни тартибга солади.

Экология хавфсизлиги муаммоларини ҳал этиш учун зарур шарт-шароитларни яратувчи ҳуқуқий нормалар тизимида "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳим ўрин тутади. Бу ҳужжат фуқароларнинг мақбул атроф-муҳитга, унинг муҳофаза қилиниши ва экологик хавфсизликка бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилгандир.

Бошқарув ва хўжаликка оид қарорларни қабул қилишда экологик экспертизанинг мақомини аниқлаш ва уни қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш, низоли вазиятларни ҳал этишда, давлат экологик экспертизасини ўтказиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни аниқлашда турли идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги масалаларини тартибга солиш зарурати етилди.

Қонун лойиҳаси экологик экспертиза тушунчасини, унинг мақсадлари, тамойиллари, турларини, давлат экологик экспертизаси объектларини белгилаб беради. Лойиҳада экспертлар ва экологик экспертиза буюртмачиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экспертизани ўтказиш тартиби, экологик экспертиза масалаларини ҳал этишда жамоатчиликнинг иштироки белгилаб қўйилган.

Қонун лойиҳасига экологик аудит тўғрисидаги норма киритилган бўлиб, у экологик восита сифатида ривожланган мамлакатларда бир неча ўн йиллардан буён қўлланилмоқда ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолашнинг асосий усулларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу Қонун қабул қилинган тақдирда, унинг амалга киритилиши қўшимча харажатларни талаб қилмайди. Чунки унинг қоидаларини амалга ошириш мавжуд бошқарув органлари фаолиятини тартибга солиш билангина боғлиқ ва янги бошқарув тузилмаларини ташкил этишни тақозо этмайди.

1992 йилдан буён амал қилаётган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эскирди ва мамлакатимизда кейинги йилларда рўй берган ижтимоий ўзгаришларга жавоб бермайди. Бундан ташқари, қонунда давлат органлари ва маҳаллий бошқарув органларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатларининг аниқ таърифи йўқ, жисмоний тарбия ва спорт тизимида давлат ва жамоат бошқарувини ривожлантириш ва уйғунлаштиришга кам эътибор қаратилган эди. Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини фаоллаштиришга, профессионал спортни ривожлантириш ва уни молиялашга, спортчиларнинг ижтимоий ҳимояланишига ва уларнинг халқаро ҳамкорликда фаол иштирок этишига кўмаклашувчи турли жамоат жисмоний тарбия-спорт бирлашмаларининг фаолият кўрсатиши тамойиллари аниқлаштиришни талаб қилади. Буларнинг ҳаммаси Олий Мажлиснинг бўлғуси сессиясида "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги амалдаги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда уни янги таҳрирда қабул қилиш заруратини тақозо этди.

Шунингдек, депутатлар саккиз йилдан бери амал қилаётган "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни кўриб чиқадилар. Бу қонун бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан бозор усулларига ўтиш, амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида катта ўрин тутди. Ўтган йилларда мамлакатимизда ушбу қонун тартибга соладиган соҳага бевосита ёки билвосита дахлдор бир қатор қонунлар қабул қилинди. Улар жумласига, хусусан, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги, "Божхона тарифи тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, Божхона, Солиқ кодекслари киради.

Шу муносабат билан қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Унда давлат ташқи иқтисодий фаолиятининг концептуал асоси баён қилинмоғи лозим. Қонун лойиҳасида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш иқтисодий усулларининг маъмурий усуллардан афзаллиги тамойили эълон қилинган. Улар ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш зарурлиги тўғрисида Президентимиз И.А.Каримовнинг маърузаларида баён қилинган энг муҳим қоидаларга тўла мос тушади.

Қонун лойиҳасига ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг ўз ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли ахборотдан фойдалана олишлари тўғрисидаги, чет эл жисмоний шахсларининг Ўзбекистон ҳудудида корхоналар очиш ҳуқуқи, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг судни танлаш ҳуқуқи тўғрисидаги янги қоидалар ва бошқа қоидалар киритилган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш давлат концепцияси ривожлантирилиб, ҳуқуқий ҳужжатнинг бир қатор моддаларида уларни ҳимоя қилишнинг жаҳон амалиётида умумий қабул қилинган аниқ чоралари ва усуллари – компенсация, антидемпинг, техник, фитосанитария, олиб кирилаётган товарларга қўйиладиган экологик талаблар биринчи марта назарда тутилмоқда. Шунингдек, қурол-яроғ, ҳарбий техника ва икки ёқлама мақсаддаги товарлар учун экспорт назорати масалаларини тартибга солувчи нормалар киритилган.

Сессияда янги таҳрирдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқиш режалаштирилмоқда. Янги ҳужжатни ишлаб чиқиш зарурати миллий аудиторлик фаолияти мамлакатда чуқурлашиб бораётган иқтисодий ислоҳотларнинг умумий жараёнидан орқада қолганлиги, шунингдек, унинг халқаро аудит стандартларига номувофиқлиги билан изоҳланади. Негаки, ҳозир амал қилиб турган "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун бозор иқтисодиёти асослари ҳали эндигина қўйилаётган пайтда ишлаб чиқилган эди.

Янги қонуннинг бош вазифаси мамлакатимиз аудит тизими ўзига хос вазифаларни изчил, самарали ва оқилона бажариши учун мақбул ҳуқуқий шарт-шароитни яратишдан иборатдир. Янги ҳуқуқий ҳужжат асосида миллий аудит тизими бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлашади, шунингдек, аудиторлик хизматлари бозори кенгаяди.

Бўлғуси сессияда "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳасининг кўриб чиқилиши уруш даврида ҳарбий ҳаракатлар ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган шикастловчи омиллар таъсиридан аҳолини ва ҳудудларни ҳимоя қилишда давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий бошқарув органлари, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш зарурлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — Қонун лойиҳаси учун ҳуқуқий асос бўлди. Фуқаро муҳофазаси кучларини бошқариш органларининг ҳаракатлари, ҳимоя иншоотларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси жуғрофий-сиёсий ҳолатидан, унинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Шунингдек, парламент "Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини, Олий Мажлис Регламенти ва Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг халқаро молиявий ижара (лизинг) тўғрисидаги хусусий ҳуқуқни бирхиллаштириш бўйича БМТ халқаро институтининг (VNIDROIT) Конвенциясига қўшилиши ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан имзолаган бир қатор шартномаларни ратификация қилиш, Президентнинг айрим фармонларини ва Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судларининг таркибларига ўзгартишлар киритиш ниятидалар.

Кўриб турганимиздек, дастлабки кун тартибида давлатимиз ва жамиятимизнинг турли соҳаларига тааллуқли кўпгина муҳим масалалар бор. Депутатлар буни тушунган ҳолда парламентнинг навбатдаги сессиясига пухта ва узоқ тайёргарлик кўрдилар. Олий Мажлис Кенгашининг қарори билан олдиндан иккинчи чақириқ парламентининг иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича махсус депутатлар ишчи гуруҳи тузилган эди. Мазкур гуруҳ раҳбари сифатида шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, биз унинг таркибига парламентда аввалги чақириқ мобайнида доимий асосда ишлаган депутатларнинг бир қисмини киритишга ва кўпроқ қисмини янги сайланган депутатлар билан шакллантиришга ҳаракат қилдик. Шу тарзда тайёргарлик даврида парламентда таркиб топган анъаналар ва тажрибадан фойдаланилди, мамлакатимиз қонун чиқарувчи олий органида аввал ишламаганларга парламент сессияларини уюштириш ва уларни тезроқ ўзлаштириб олиш борасида яхши имконият берилди.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича махсус депутатлар ишчи гуруҳининг иши учта асосий йўналиш бўйича олиб борилди. Тегишинча ўз раҳбарларига эга бўлган учта кичик гуруҳ тузилган эди. Биринчи кичик гуруҳ Олий Мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар, бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, сессия материалларини депутатлар ва таклиф этилганларга олдиндан топширишни ташкил қилиш билан шуғулланди. Бу кичик гуруҳга кейинчалик парламент анжуманида тасдиқланадиган сессия ишчи котибиятининг таркиби юзасидан таклифлар тайёрлаш, депутатлар ва экспертлар томонидан қонун лойиҳалари бўйича билдирилган таклифлар ва мулоҳазаларни умумлаштириш, сессия қатнашчилари ва таклиф этилганларни рўйхатдан ўтказишни ташкил қилиш топширилди.

Иккинчи гуруҳ парламент сессиясига тайёргарлик кўриш ва унинг боришини оммавий ахборот воситаларида ёритилишини, "Радамажлис" электрон овоз бериш тизимининг пухта ишлашини, янги мажлислар залида синхрон таржима мавжуд бўлишини таъминлайди.

Учинчи кичик гуруҳ сессияга келаётган халқ ноибларига ташкилий-техник ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш: уларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, овқатланиш, транспорт, тиббий хизматлар кўрсатишни ташкил этиш билан шуғулланади.

Кичик гуруҳларнинг раҳбарлари бутун тайёргарлик даври мобайнида қилинган ишлар ҳақида мунтазам ҳисобот бериб бордилар. Депутатлар ишчи гуруҳининг барча аъзолари ўртасида вазифаларнинг аниқ ва бир текис тақсимланганлиги, улар топширилган ишга масъулият билан муносабатда бўлганликлари барча тайёргарлик тадбирларини белгиланган муддатларда ниҳоясига етказиш имконини беради. Бу депутатлар корпусининг улкан ижодий салоҳиятидан яна бир далолатдир. Шу сабабли биз халқ ноибларининг биргаликдаги ақл-идроки ва иродасига ҳамиша таянганмиз ва бундан буён ҳам таянаверамиз.

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИ ВА КОМИССИЯЛАРИДА

(Давоми.Боши 1-бетда).

Бугунги жадал тараққиёт, турли соҳаларда рўй бераётган жиддий ўзгаришлар амалдаги қонунларнинг баъзи бандлари ва моддаларини қайта кўриб чиқиб, тегишли тузатишлар ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Масалага шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни қабул қилинганидан буён орадан саккиз йил вақт ўтди. Бу давр мобайнида қонунни бажариш, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, ўзбек спорти жаҳонга юз тутди. Ана шу боис эндиликда ушбу қонунни давр талабларига мослаштириш зарурати туғилди. Бу масала сўнгги икки ой ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси махсус ишчи гуруҳи томонидан мутасадди вазирликлар ва ташкилот-идоралар вакиллари ҳамкорлигида муҳокама қилинди. Натижада қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси яратилди ва у иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси кун тартибига киритилди.

Қўмитанинг кеча бўлиб ўтган йиғилишида қўмита раиси Н. Жўраев Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар хусусида тўхталди. Сўнгра «Ўзбекистон Республикасининг Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси юзасидан ахборот берди. Республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Баҳодир Махситов эса йиғилганларни лойиҳа бўйича белгиланган ўзгаришлар ҳамда қўшимчалар билан таништирди. Шу асно тушган саволларга жавоблар қайтарди.

Мажлис қатнашчилари кун тартибидаги бошқа масалаларни ҳам муҳокама этиб, тегишли қарорлар қабул қилдилар.

* * *

Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда қўмита раиси Ўткир Хошимов, қўмитанинг 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликларига асосланган иш режаси, Олий Мажлис сессиялари орасидаги фаолияти ҳамда навбатдаги сессия муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган масалалар ҳақида гапирди.

Йиғилишда сессия кун тартиби лойиҳаси маъқулланди ва қўмитанинг уч йилга мўлжалланган иш режаси қизғин муҳокама қилинди. Қўмита ўтган қисқа муддат ичида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ижросини ўргандилар. Текшириш натижаси қўмита мажлисида муҳокама этилди. Шунингдек, қўмита 2000 йилнинг биринчи ярмида Фарғона вилоятида «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Реклама тўғрисида»ги қонунларнинг ижро этилиши юзасидан назорат-таҳлил ишига тайёргарлик кўрмоқда. Ва яна бир қанча янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш режалаштирилган.

Йиғилишда кун тартибидаги муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни қўмита раиси А.Саидов олиб борди. Даставвал, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворлиги тўғрисида»ги лойиҳа юзасидан маълумотнома тингланди. Лойиҳа қўмиталар ва комиссиялар уч йиллик фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб беради.

Яқин истиқболда қўмита қонунчилик фаолияти соҳасида «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида», янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида», «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида», «Хайрия фаолияти тўғрисида» каби янги қонунлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштирган. Шунингдек, бир қатор қонунларнинг ижро этилишини парламент назорати тартибида ўрганиш ҳам назарда тутилмоқда.

Депутатлар лойиҳани маъқуллаб, қўмитанинг қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолияти бўйича уч йиллик режасини тасдиқлашди.

Олий Мажлис иккинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган масалалар кўриб чиқилди ва маъқулланди. Шунингдек, мажлисда жорий йилнинг иккинчи ярмида қўмитада режа бўйича кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ўзаро фикрлашиб олинди.

* * *

Шу куни Олий Мажлис Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Ш. Хўжаниёзова бошқарди.

Йиғилишда дастлаб «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тўғрисида»ги лойиҳа муҳокама қилинди. Шундан сўнг қўмита аъзолари Олий Мажлис иккинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган масалаларни маъқулладилар.

Олий Мажлис биринчи ва иккинчи сессиялари оралиғидаги муддатда комиссиянинг фаолияти хусусида комиссия раиси ҳисобот берди. Йиғилишда, шунингдек, комиссия ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

* * *

Кеча Олий Мажлис Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни комиссия раиси Ш. Салимова очиб, йиғилганларни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси кун тартиби лойиҳаси билан таништирди. Депутатлардан Т. Миродилов, Б. Шодиева, Т. Юнусов ва Г. Йўлдошевалар лойиҳани маъқуллаб, йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда мустақиллик йилларида республикада хотин-қизларнинг оила, жамиятдаги мавқеини ошириш ва мустаҳкамлаш, улар манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир қатор чора-тадбирлар амалга оширилгани таъкидлаб ўтилди. Дарҳақиқат, ҳозир оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлнинг мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Шу билан бирга йиғилишда аёллар сиёсий фаоллигини кучайтириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, саноат корхоналарида хотин-қизларга имтиёзлар яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова сўзга чиқди.

* * *

Парламентнинг иккинчи сессияси арафасида инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман)нинг фаолиятига тааллуқли инсоннинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова бошқарди ва йиғилганларни Олий Мажлис иккинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар билан таништирди.

Йиғилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 1999 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Унда халқаро мажбуриятларга риоя этишни назорат қилиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, бу борада Омбудсманнинг қонунчиликни ривожлантиришдаги ёрдами, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш, ахборот-таҳлил фаолияти ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги ишлари хусусида гапирилди. Инсон ҳуқуқларидаги бузилишлар ва уларни бартараф этиш чораларига эътибор қаратилди. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг муҳим бир қисми эканлиги, шу боис улар ўзаро ҳамкорликда иш юритишлари зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда парламентнинг бошқа қўмита ва комиссиялари, вазирликлар, идоралар, суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, демократик институтлар, илмий-ўқув муассасалари ва Омбудсманнинг жойлардаги минтақавий вакиллари ҳам иштирок этдилар.

**Ўз мухбирларимиз.**

# ЭРКИНЛАШТИРИШ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

**Эртага Олий Мажлиснинг навбатдаги, иккинчи сессияси ўз ишини бошлайди.**

**Мухбирларимиз депутатларга қуйидаги савол билан мурожаат қилди:** ***«Сиз иккинчи сессияга қандай ўй-фикрлар билан келдингиз?»***

**Бахтиёр ҲУСАНБОЕВ, «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси (194-Фарғона сайлов округи):**

— Депутатлик фаолияти бевосита қонун ижодкорлиги билан боғлиқ. Шу маънода иккинчи сессия ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш, халқимиз турмуш тарзини яхшилаш имконини берадиган қонунлар лойиҳасини муҳокама қилади, демак, ҳуқуқий замин яратишимизда яна бир қадам қўйилади.

Қонунлар пишиқ-пухта бўлиши, ҳаётий заминга таяниши учун нафақат депутатлар, балки кенг сайловчилар фикр-мулоҳазаси мужассамлашмоғи лозим. Шу боисдан мен сессия арафасида сайловчилар билан бафуржа мулоқот қилдим. Одамларимиз дунёқараши, сиёсий тушунчаси тобора кенгайиб бораётганидан хурсанд бўлдим. Айтайлик, илгари депутат маиший муаммоларга кўп дуч келган бўлса, кечаги учрашувда фарғоналик бир қатағон қурбонига бағишланган уй-музейни очиш таклифи билан мурожаат қилишди. Қаранг, халқимизда ўзликни англаш, ўтмиш билан фахрланиш туйғуси ошиб бораяпти!

Сайловчилар, шунингдек, эртаги сессия кун тартибига қўйилган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича ўз фикрларини изҳор қилишди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четга сотиш борасида ижобий ўзгаришлар рўй бераётганлигини, бу янгиликлар қўшни мамлакатларда ҳам татбиқ этилса, айни муддао бўлишини таъкидладилар.

**Бахтиёр ПАНЖИЕВ, Термиз тумани ҳокими, (140-Учқизил сайлов округи):**

– Мен сайланган округ асосан Термиз тумани, қисман Термиз шаҳрини ўз ичига олади. Хизмат тақозоси билан туман ҳудудидаги сайловчиларим билан деярли ҳар куни учрашиб тураман, десам муболаға бўлмас. Бу менга бир томондан осонлик туғдиради. Осонлик қайси маънодаки, сайловчиларим билан ҳар куни, ҳар соатда рўбарў келаман. Тўғри, туман ҳокимияти биносида қонунга мувофиқ сайловчиларни қабул қиладиган махсус хона бор ва кун тартиби ҳам белгиланган. Лекин мудом улар орасида бўлганингдан кейин махсус хонада ўтиришга ҳожат ҳам қолмас экан.

Мен ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг, айни пайтда Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг аъзосиман. Табиийки, ўз фаолиятим давомида, аввало, номзодимни кўрсатган субъектнинг манфаатлари, қизиқишлари ва дастурида белгиланган вазифалар устуворлик қилади. Ва муҳокама қилинадиган масалага ҳам ана шу нуқтаи назар билан ёндошаман.

Сессия муҳокамасига киритилаётган барча қонун лойиҳаларини ўз вақтида олдик ва улар билан атрофлича танишиб ҳам чиқдик. Айрим жиҳатларини тумандаги сайловчилар, мутахассислар билан биргаликда муҳокама қилдик. Бир талай таклиф ва мулоҳазалар пайдо бўлди. Уларни тўплаб қонун лойиҳасини таклиф қилаётган тегишли қўмиталарга юборганмиз.

**Тошпўлат ТОШМУРОДОВ, Нарпай тумани «Пахтакор овози» газетаси бош муҳаррири (113-Нарпай сайлов округи):**

– Касбим журналист бўлгани учунми, сайловчилар, оддий одамлар орасида кўп бўламан. Уларнинг гапига зимдан қулоқ солсангиз, кўп масалалар билан янада чуқурроқ танишасиз, билмаганларингизни ўрганасиз, янги-янги таклиф ва мулоҳазалар пайдо бўлади.

Мен сессия муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган масалаларнинг ҳаммасининг ҳам муҳимлигини эътироф этган ҳолда, Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги қонун (янги таҳрирда) лойиҳаларини алоҳида таъкидлашни истардим. Чунки буни, биринчидан, сайловчилар қизғин қўллаб-қувватлаётган, таклифларини айтаётган бўлсалар, иккинчидан, мамлакатимиз раҳбари сиз билан бизнинг олдимизга жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифасини қўйдилар. Бу ҳар икки қонун лойиҳасини агар депутатлар тасдиқласалар, иқтисодий соҳани эркинлаштиришга катта улуш қўшилиши, шубҳасиз.

Мен шу ўринда яна Фуқаролар муҳофазаси, деб номланган янги қонун лойиҳаси ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Унинг билан атрофлича танишиб чиққанимдан кейин сайловчиларга сессия олди учрашувларимда қонун лойиҳаси ҳақида гапириб бердим, асл моҳиятини тушунтирдим. Очиғи, улар буни чуқур мамнуният билан қабул қилдилар. Унда асосан ўзларининг, яъни фуқароларнинг манфаатлари акс этгани учун парламентимизга олдиндан миннатдорчиликларини ҳам изҳор этишди. Бу янги парламентимизнинг тобора халқчиллашаётганидан далолат беради.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ, Исмат ХУДОЁРОВ тайёрлади.**

# ҚАДИМ КАРВОН ЙЎЛЛАРИ ЮЗ ОЧМОҚДА



*Қадимий Афросиёбнинг ҳали очилмаган сир-синоатлари кўп. Шу боис ҳам Самарқанд ва бухоролик меъмору қурувчилар Самарқанд Давлат архитектура қурилиш институти олимлари билан биргаликда Афросиёбда қадимий карвон йўлларини очишга бел боғладилар. Эндиликда кўҳна Самарқандда яна бир қадимий карвон йўли тикланмоқда. Бу хайрли ишда вилоят туманлари «Автойўл» бошқармаси ходимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда. Янги йўл эрта-индин фойдаланишга топширилади.*



**СУРАТЛАРДА: йўл қурилишидан лавҳалар. Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

